

O'ZBEKISTON

O'VOZI IJTIMOY-SIYOSY GAZETA

• 2006-yil • 13-may • Shanba • 55 (27.547) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Бугунги кунда Андижон вилоятидаги 746 та мактабда 500 минг нафардан зиёд ўқувчи, 76 та касб-хунар коллежи ва 7 та академик лицейда 70 минг нафардан ортиқ ёш таълим олмакда.

Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейда эса 430 нафар талабага тажрибали муаллимлар сабоқ беришяпти. Олий тоифали ўқитувчи Раҳимахон Бегматованинг биология фани бўйича ўтадиган дарслари ўқувчиларда доимо қизиқиш уйғотади.



Суратда: академик лицей ўқитувчиси Раҳимахон Бегматова ўқувчилар давра-сида.
Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

ОИЛА ТАЪЛИМИ ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ЮНИСЕФ халқаро болалар таълим ва ташкилоти билан биргаликда «Оилавий таълим» дастури доирасида журналистлар учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда репродуктив саломатлик, гендер тенглиги, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва бошқа бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Икки кун давом этган семинар-тренингда иштирокчилар «Оилавий таълим» дастури бўйича болани тўғри тарбиялаш, улар саломатлиги, биринчи тиббий ёрдам сингари мавзуларни ёритиш бўйича билим ва малакаларини оширдилар.

Нурия ТУРЕЕВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда фарзандларнинг маънавий ва жисмоний баркамол бўлиб вояга етиши учун қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, бу бежиз эмас. Соғлом авлод келажаги юрт эртасини белгилаши шубҳасиз. Шундай экан, ҳар биримиз болалар саломатлиги, уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб, улғайишларида ўзимизни масъул деб билишимиз лозим.

Муаззам ИСМОИЛОВА, «Оилавий таълим» дастури йўриқчиси:

— Маъруза дастури мана уч йилдирки, ҳукумат кўллаб-қувватлови остида ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вазоратхонаси кўмаги билан амалга ошириб келиняпти. Дастур оилаларда соғлом бола туғилишини таъминлаш, уларни тўғри парвардилаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этишни таъминлашга эришишни ўзининг асосий мақсадлари, деб билади. Аини пайтда, дастур асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Фарғона вилоятларида амалга оширилаётган ишлар сезиларли даражада самара бермоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бола парвардилашда ота-оналар билими ва уқувини ошириш бўйича қатор ютуқларга эришилди. Қолаверса, зарур гигиена қоидаларига риоя этувчи ҳамда йонланган туз истеъмол қилувчи оилалар бугун 90 фоизни ташкил этади. Албатта, амалга оширилаётган ишлар кўламини, унинг самардорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Семинар-тренингда дастурни ҳаётга татбиқ этишда тиббиёт ходимлари, педагоглар, маҳалла фаолларининг бевосита ҳамкорлиги яхши натижалар бериши таъкидланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА, Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА

Фуқаролар йиғинларида сайлов

Айни кунларда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимиздаги мавжуд маҳаллаларда ҳам ушбу жараёнга пухта тайёргарлик кўрилди.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Янги камолон» маҳалла фуқаролар йиғинида ана шу тадбир кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Маҳалла аҳли очиқ овоз бериш йўли орқали оқсоқол ва унинг маслаҳатчиларини сайладилар.



Суратда: «Янги камолон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги сайловдан лавҳа. Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 12 МАЙ КУНИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ СОЧИ ШАҲРИДА БЎЛДИ

Россия Президентининг «Бочаров ручей» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарини Россияга ташрифи билан қутлаб, ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Куни кеча Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунга имзо чекдим, — деди Россия Президенти. — Бу билан ўзаро ҳамкорлигимизнинг сифат жиҳатдан мутлақ янги босқичи расмийлаштирилди.

Владимир Путин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланиб бораётганини, жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтирганини таъкидлади. Мазкур учрашув икки томонлама алоқаларга, Марказий Осиё минтақасидаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

— Россияга ташрифингиз икки томон учун ҳам фойдали бўлишига ишончим комил, — деди Владимир Путин.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаб, Владимир Путинга миннатдорлик билдириб, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома муҳим тарихий аҳамиятга эга ҳужжат эканлигини таъкидлади.

— Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишга хизмат қиладиган бу ҳужжат минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг зарур қарорларини яратди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Алоқаларимиз суръати ошиб борапти. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,5 фоиз ортди. Аини пайтда бу суръатни янада ошириш имкониятлари кўп эканлигини ҳам таъкидламоқчиман.

Ислам Каримов энергетика соҳаси бутун дунёда ҳар томонлама долзарб аҳамият касб этаётганини ва томонлар бу йўналишда самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистонда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёнига эътибор қаратилди.

— Баъзи давлатларда асосий объектлар сойти бўлинган, — деди Ўзбекистон Президенти. — Ўзбекистон бу борада шошма-шошарликка йўл қўймади. Россия компаниялари биздаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш имкониятига эга.

Музокарада хавфсизлик масалалари, хусусан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш муаммолари атрофида муҳокама қилинди.

— Хавфсизликни таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлиб борапти, — деди Ислам Каримов. — Бу юзга келаётган муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишни, таҳдидларнинг олдини олиш учун тезкор ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Марказий Осиёда бу минтақага дахли бўлмаган қучлар ҳўкм юритишига интиляпти. Бугунги учрашув ана шу масалалар, шунингдек, минтақада интеграцияни кучайтириш юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Президентининг мамлакат Федерал мажлисига бу йилги мурожаатига тўхталиб, у бой мазмунга эга эканлигини қайд этди.

Президент Ислам Каримов 9 май куни Тошкентдаги Хотира майдонидида журналистлар билан суҳбатда Ўзбекистон билан Россия ўртасида тузилган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Бу ҳужжат икки мамлакат манфаатларига хизмат қиладди, у тинч ва осуда ҳаётнинг қафолати бўлиб, келажакка ишонч

билан қараш имконини беради.

Президент Ислам Каримов жорий йил 6 март куни «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади. Сочи учрашуви арафасида Владимир Путин бу ҳужжатнинг Россия томонидан ратификация қилиниши тўғрисидаги қонунни имзолади. Энди шартнома тўлиқ кучга кирди.

Таъкидламоқ жоизки, мазкур шартнома ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини таъминловчи асосий ҳужжатдир. Унда ташқи хавф юзга келганда ўзаро ёрдам кўрсатиш билан бирга, халқаро майдонда ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари кўзда тутилган.

Ҳозирги воқеликка назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиёда ва минтақамиз теварагида кечаётган жараёнлар хавфсизлик ва барқарорликни, кўп томонлама асосдаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашни тақозо этаётгани аён бўлади. Шу жиҳатдан мазкур шартнома Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимиз ташқи сиёсатида Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Покистон билан ҳам шундай алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани ялғи хавфсизлик ва барқарорликка эришиш йўлидаги интилишларимиздан далолатдир.

Аини пайтда шартнома Россия учун ҳам ғоят муҳим ҳужжатдир. У икки томонлама ҳамкорлик негизида Россиянинг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қиладди.

Мухтасар айтганда, глобаллашув шароитида бундай шартнома тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамлашиши ва таҳдидларнинг олди олинишини, шу билан бирга, ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириши таъмин этади.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома расман энди кучга кирган бўлишига қарамай, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик бу ҳужжатдаги тамойиллар асосида изчил тараққий эта бошлаганига аниқ бўлди. Масалан, биргина энергетика соҳасидаги ҳамкорлик доирасида 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридидаги сармоа ўзлаштирилмоқда.

Яқинда «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акцидорлик жамияти билан Россиянинг «Техноспецсталь инженеринг» (Санкт-Петербург) компанияси ўртасида савдо шартномаси имзоланди. У 2008 йилга қадар Россия томонига 30 дон Ил-114 русумли самолёт етказиб беришни назарда тутди.

Ўзбекистон ва Россия ижтимоий соҳада ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фан-таълим, тиббиёт, маданият ва санъат, тури бошқа йўналишларда алоқалар фаоллашмоқда. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ишбилармонларнинг ҳамкорлиги изчил ривожланимоқда. Сунгги беш-олти ой мобайлида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга 15 расмий делегация ташриф буюргани диққатга сазовордир. Жумладан, Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Борис Гризлов ва Федерация кенгаши раиси Сергей Миронов юртимизда бўлди. Утган ҳафта эса Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ислам Каримов билан Владимир Путиннинг бу галги учрашувида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг расман кучга кириши муҳим тарихий воқеа эканлиги алоҳида таъкидланди. Президентлар қайд этганидек, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни энг ишончли ва энг олий даражага кўтарди. Утган йилнинг ноябрида имзоланган бу ҳужжат қисқа муддатда икки томонда ҳам ратификация қилинганлиги Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатларини кенг қўламли ривожлантириш борасидаги азму шижоатидан далолатдир.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент — Сочи — Тошкент.

Меҳр ва муруват — инсон зийнати

ҚАДР ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

ёки Меҳнат ва аҳolini ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати ҳаётидан

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бу маскан фаолияти, у ерда отахон ва онахонларга кўрсатилаётган эътибор, гамхўрлик ҳақида ёзишимизни мажмуа директори Анвар Каримовга айтганимизда, у бажонидил розилик билдирди. Йўлга чиқарганимиз, хаёлимиздан у ерда ёлғиз қариялар яшаса шароитлари ҳам ўзига яраша бўлса керак, деган ўй ўтди. Пансионатга етиб борганимизда у ерда кўрган манзараларимиз бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди. Дарвоза очки, кўчага сув севиб, супурилган. Ҳовлига кирарканмиз, ҳам-

меақ чинидай тоза, анвойи гуллар очилган, ям-яшил майсалар ўсган, даракларнинг қуюқ соясида ўтирган отахонлар гурунга берилган, бир томонда шахмат авжнда, бу ёқда онахонларнинг майингина суҳбати. Барчасининг юриш-туриши бинойидай, уст-боши тоза, бардам-тетик, юз-кўзидан миннатдорлик ҳисси сезилиб турибди.

Бизни пансионат директори қарши олди. 30-35 ёшлардаги оддийгина, келишган, хушмуомала, сергайрат ва талабчан бу йигитнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзидан уддабуронлиги, ўз кас-

бига меҳри, нурунийларга хурмати баландлиги шундоққина кўриниб турарди.

— Ўзим асли шифокорман. Ишга келганимга яқинда бир йил бўлди, — дея гап бошлади у. — Бошида унамадим, келганимдан кейин ҳам афсусланиб юрдим. Аммо бу ердаги ҳолатни кўриб, кексалар билан суҳбатлашиб, уларнинг дарду аламига шерик бўлиб, уларга кераклигини англаб етдим. Шунингдек, Юртбошимизнинг ўтган йили Хотира майдонидида айтган «...Биз Хотира ва Қадрлаш деганда, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фи-

дойи инсонларни эслаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, хаёлимизда, фикру ёдимизда мангу саклашни, шунинг билан бирга бугун орамизда яшаб келаётган инсонларни қадрлаш, асраб-авайлаш, ҳаётини, оғирини энгил қилиш, қўлимиздан келадиган барча ёрдамимизни улардан аямаслик, уларнинг олдидаги муқаддас бурчимизни адо этишни назарда тутамиз», деган сўзлари менга туртки бўлди.

2-бет



O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARINI TANLASHADI!

Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40

www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI

MULKDORGA HANKORI

Tel: 132-25-51, 133-46-61, faks: 133-20-74

WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Bija@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ЛАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

Вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленуми ўз-ўзини танқид, ишторқчиларнинг фаоллиги остида ўтди. ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленумининг мафқуравий ишларга оид кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари

торати орасида маънавий-маърифий ишларни узвий олиб бориш ҳам талаб этилади. Бундан ташқари, биз оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам тўла фойдалана олмаймиз. Нега партиямиз фаоллари телевидение ёки газеталарда жуда кам чиқиш қилмоқдалар? Айни шу масалада, ким бизга кўмак бериши керак? Агар ишларимиз шу йўсинда давом этадиган бўлса, яқин келажақда бизни жиддий қийинчиликлар кутиши мумкин. Чунки, бизга муҳолиф партиялар ОАВ имкониятларидан етарли фойдаланишга интиломоқдалар.



Пленумда ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Абдумалик Кўчқоралиев «Вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда ЎзХДП Марказий Кенгаши IV пленумининг мафқуравий ишларга оид кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида» маъруза қилди.

— Ўтган даврда вилоят партия ташкилотлари томонидан ХДП аъзолари, умуман аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича муайян ишлар қилинди. — деди маърузачи. — Хусусан, 352 та бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-саялов йиғилишларида 14740 нафар ХДП аъзоси иштирок этди ва ўки бу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ноябрь ва декабрь ойларида депутатлик корпусларининг ўқуви ташкил қилинди. Жамоатчилик қабулхоналари иши йўлга қўйилди, уларда 158 нафар фуқаро қабул қилинди. Берилган 41 та ариза ижобий ҳал этилди. 85 та ҳужжат ижрога олинди, шундан 57 таси нозратдан чиқарилди. Сафларимиз софлиги ва жиқлигига эришиш, партияни янгилаш ва фаоллаштиришга қаратилган партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш тадбирини охирига етказилмоқда. Сирдарё, Боевут, Сайхунбод туманларидаги ақсарият бошланғич партия ташкилотларининг бир борадаги тажрибаларини эътиборга олиб, дейиш мумкин. «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотларининг иши йўлга қўйилди, таъсири кўпроқ кўзга ташланмоқда. Партия Дастури асосида аҳолининг ҳам таъминланган қатлами ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг тўлақонли қатлигини таъминлаш, партия электорати манафатларини кўзлаб олиб борилаётган ишларнинг ижтимоий самардорлигини ошириш, депутатлар тузилмалари ташаббускорлигига эришиш, партиявий интизомини мустаҳкамлаш бўйича кечаётган кундалик иш жараёнлари тобора яхшироқ

натига бермоқда. Масалан, шу йил апрель ойда Сайхунбод туманида бўлиб ўтган «Аёл соғлиги — миллат саломатлиги» мавзусидаги давра суҳбатини олайлик. Шу тадбирдан сўнг туман бўйича 136 нафар киши ХДП сафларига кириш тўғрисида ариза берди. Уларнинг 95 нафари хотин-қизлардир. «Истиқбол» ёшлар қанотининг ташаббуси билан эса вилоят бўйича аълочи ва жамоатчи мактаб ўқувчиларидан 157 нафарига ХДП стипендияси берилмоқда. Бу масалада бизга партияимиздан номзоди кўрсатилган туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгаши депутатлари, Фурсат

тилганига 15 йил тўлаяпти. Шу давр мобайнида бевосита мафқура масаласи муҳокама-сига бағишланган пленум биринчи марта бўлапти. Демак, биз бу борадаги ишларимизни қайта кўриб чиқаришимиз, уни бугунги кун талаблари даражасида ташкил қилишимиз керак. Шу мақсадда шаҳар партия кенгаши ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва ҳарбийлар билан ишлашни, улар билан яқин алоқа ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, нурунийлар, ёшлар, аёллар билан ишлаш диққат марказимизда. Фурсат

АҲОЛИ ФАОЛЛИГИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИНИНГ АСОСИ

эканлиги ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши пленумида алоҳида таъкидланди

тўғрисида маъруза қилди.

— Вилоятимиздаги айрим туман ва шаҳар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари мафқуравий вазифаларини қўйилган даражада бажара олмаётганлар, — деди маърузачи. — Партия кенгашларимиз бошқа сиёсий партиялар маҳаллий ташкилотлари фаолияти тўғрисида деярли ҳеч қандай тасаввурга эга эмасликлари нима деб изоҳлаш мумкин? Мафқуравий соҳада бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаган оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказишдан нарига ўтилмади. Номинатив уюштирилган ақсарият тадбирларининг мазмун-моҳияти, савияси бугунги кун талабларига жавоб бермапти.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленумида вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманлари партия кенгашларида хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид қилинди. Дарҳақиқат, Бекобод ва Бўка туманлари ҳамда Охангарон шаҳрида хотин-қизларни партия сафларига жалб этишдек муҳим масалага ҳануз эътибор берилмапти.

Пленум ишторқчилари партияимизнинг дастурий мақсадлари ва позициясидан келиб чиқиб бу борада муайян ўзгариш ясаш лозимлигини таъкидладилар. **Ҳамидулла НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида белгиланган ва бугун олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири бу — меҳнатга қобилиятли аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантиришдан иборат. Аҳолининг сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги фаоллигини оширишдан туриб, фуқаролик жамиятини қўриб бўлмади. Онгли ва фаол инсонгина барча қийинчиликларни енгиб, мустақил Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўйиши мумкин. Бундан кўрагиники, эскича фикрлаш

ва эскича услубда ишлаш билан бирон-бир ўзгариш қилиш қийин. Жойларда партияларнинг туман, шаҳар кенгашлари раислари номинатив фаолият кўрсатса, жонқуярлик қилмаса, ўша жойда партиянинг обрўси ҳам бўлмади.

Маҳмуд ТОЙИРОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими масъул котиби, Ўзбекистон халқ шоири:

— Жамиятни асраш — фарзандларимизни асрашдан, уларни тарбиялашдан бошланади. Гарчи истиқлол бизга жангу-жالدасиз, қурбонларсиз насиб этган бўлса-да, унинг орзусида миллатимизнинг минглаб асл фарзандлари қалбларидан буюк армонлар билан бу ёруғ дунёдан кўз юмганлар. Бундайлар азиз Ватанимизнинг ҳар бурчидан, ҳар маҳалла ёки қишлоғидан топилади. Зеро, улар она Ватанинг гуллаб-яшнаши, ўзбек халқининг эрки, ғурури, инон-ихтиёри ўз қўлида бўлиши билан бирга ўзлари туғилиб ўсган шаҳар ва қишлоқларнинг гўзал, ҳар жиҳатдан ривожланишини орзу қилганлар.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Айни дамларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб этиш, бутун дунёда, қолаверса, ён-атрофимизда содир

бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, сиёсий жараёнларга нисбатан уларда онгли муносабатни шакллантириш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Айни шу масалаларда партия ташкилотлари ташаббускорми? Мафқуравий таҳовузалар, ҳуружларнинг турли хил қўринишлари авж олаётган бир пайтда, фаолларимиз жойларда нима билан билан машғул бўлишапти?

Оллоёр БОБОНОВ, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги Кенгаши ходими:

— Мафқуравий таҳдид — атом қуроли таҳдидидан ҳам қўчироқ, Шундай экан, турли инфомацион хуружларга қарши иммунитетни қўлайтирмоғимиз зарур. Очичи, айрим жойларда ёшларимиз тарбиясига бўлган эътибор суусайиб бораётгандай назаримда. Кўпгина партия ташкилотларида бу борада ҳануз эскича қарашлар, расмиётчилик ва юзакчилик ҳолатларига йўл қўйилганлиги, ўлказилаётган партиявий тадбирларнинг савияси ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги ачинарлидир.

Пленумда, шунингдек, ЎзХДП вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг 2005 йилги фаолияти, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишга оид масалалар ҳам муҳокама этилди. Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева қатнашди ва сўзга чиқди.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН

мафқуравий ишларни тўғри ташкил этишимиз, унинг тарбиявий функциясидан унумли фойдаланишимиз зарур, деган хулосага келинди ЎзХДП Сирдарё вилояти кенгаши пленумида

фаолларимиз яқиндан ёрдам беришапти. Мазкур йўналишдаги ишларимиз Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боевут, Сирдарё, Ховос туманларида айниқса яхши ташкил этилган. Аъзолик бадалларини йиғиш, партиявий интизом масаласига келсак, бу борадаги ишларимизда тафовут мавжуд. Масалан, айрим бошланғич партия ташкилотларида ҳар қайси партия аъзоси ҳисобига ойига 600-700 сўмдан аъзолик бадални тўғри келаётган бир шайорда баъзиларда бу кўрсаткич 80-100 сўмга ҳам етмаяпти. Энди бевосита мафқуравий ишларимиз ҳақида. Жойларда уни тўғри ташкил этишга ҳаракат бўлапти. Аммо, бу йўналишда ҳам эскича ёндашувлар, юзакчилик, ҳўжакўрсинчилик ҳолатларидан ҳозирча тўла-тўқис қутилдик, деб айтолмаймиз. Тўғриси, ташаббуслар билан чиқиш, тарғиботнинг, электоратимиз билан ишлашнинг янгича шакл ҳамда услубларини излаб топилмасаларида оқсаб қолаёلمиз.

Музокаларни ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгаши раиси **Алишер ТОШМАТОВ** бошлаб берди: — Партияимизнинг ташкил

дан фойдаланиб, Марказий Кенгаш томонидан шоирлар, санъаткорлар, депутатлар, олимлардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилса, жойларда бу гуруҳ билан аҳолининг учрашувлари, жонли мулоқотлар ўтказилса, деган тақдирини ишларимизда қўриш мумкин. Ва яна партия ҳаётига оид китоблар, қўлланмалар чиқарилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Партия фаоли **Солиа Давлатова** эса партия аъзоларини қайта рўйхатдан кўра рўйхатдан ўтмай қолган ХДП аъзоларининг уйларига бориб, масалани тушунтириш, биронта ҳам партия аъзосининг сабабсиз холда рўйхатдан ўтмасдан қолишига йўл қўймаслик керак, деган фикрни билдирди.

Янгиер шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби директори, вилоят Кенгаши депутати **Евгения Резник** ўз сўзида мактаблардаги аълочи ва жамоатчи ўқувчиларга ойма-ой ХДП стипендиясининг бериб берилиши одамлар орасида партияимиз мавқеини, обрўсини оширишини, хусусан стипендия совриндорлари, ўқув-

Сирдарё туман кенгаши раиси **Маҳмуд Аҳмедов**нинг маҳалла фуқаролар йиғинлари, улардаги диний-маърифий, ахлоқий-маънавий ишлар бўйича маслаҳатчилар билан ишлаш тажрибалари, Ховос тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси **Назира Маҳкамованин** қишлоқда ижтимоий ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мафқуравий ишларни тўғри ташкил қилиш мақсадида аввало, Марказий Кенгаш кўмаги билан қўйи партия бўғинларининг сиёсий ва услубий ўқувини йўлга қўйиш, партияда узоқ йил ишлаганлар учун «**ХДП фахрийси**», фидойилар учун эса «**ХДП фаоли**» кўрак нишонларини таъсис этиш хусусида билдирган фикрлари пленум ишторқчилари томонидан маъқулланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Шарбат Абдуллаева** ишторқ этди ва сўзга чиқди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Меҳр ва мурувват — инсон зийнати

Бугун пансионатимизда 180 нафар нуруний истиқомат қилади. Улар дахшатли урушда иштирок этган, фронт ортида хизмат қилган, ўз вақтида қўлларга қўтарилган, кўкси орден, медалларга тўлган, аммо тақдир тақозоси билан бугун бу ерга келиб қолган. Ҳуқуқимизга ҳам ҳўрлиги боис, улар тўлиқ давлат қарамоғига олинган. Ҳеч нарсадан зорикмай яшаши, овқатланиши, кийиниши, мазмунли ҳаёт кечириши, саломатликларини тиклаши, қўйингли тирик инсон учун нима зарур бўлса барчаси яратилган. Дам олиш хоналарида телевизор қўриб, шахмат ўйнашди, боғга чиқиб тоза ҳавода сайр қилишди, умуман улар ўзларини маҳалласи, уйдагидек эркин ҳис қилишди.

Қариялар эмасми, ҳар бирининг кўнглига алоҳида қарама-сангиз ранжиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар соатда ҳолдан хабар олиниб, овқатланиши, уст-боши, хонасининг тозаллигига қараб борилади. Бунинг учун 87 нафар ширинсўз, ҳушмуомала ишчи-хизматчи, шифокору ҳамшира улар хизматида. Айниқса, фахрийларнинг соғлиғига жиддий эътибор берилади, белгиланган тартиб-режа асосида назорат қилиб борилади. Стационаримизда керакли дори-дармон, шарт-шароитлар яратилган, физиотерапия, массаж хоналари ишлаб турибди. Бундан ташқари, Тошкент тиббиёт академияси, тумандаги 33-оилавий поликлиника билан ҳам алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Бемор кексаларимиз ушбу шифо масканларида даволанишди. Шунингдек, бу йил йиғирмага яқин фахрий шайхатларда дам олиб келишди. Шу боис пансионатимиздаги ўртача ёш 84 ёшга

монидан 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди яна 14 миллион сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қўриқ-таъмирлаш ишларига 40 миллион сўм ажратди. Буларнинг барчаси пансионатимизни, фахрийларимиз турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ишлардир.

Биз айрим фахрийларни суҳбатга тортидик. — Бу ерга келганимга бир ойча бўлди, болам, — дейди ўзини Турсунбой Ҳошимов деб таништираган отахон. — Янгиларим



Инсон хотираси — азиз

ИСТЕЪДОДЛИ ИЖОДКОР ЭДИ...

Ҳар бир миллат адабиётининг қадим илдизлари замин ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ кетгандек, унинг турфа жилоси, ранг-баранг мазмуни шоиру ижодкорларнинг битган шеър қўшиқларида яшаб қолаверади. Шу маънода ўтган аср бошларида ўзбек адабиётига кириб келган талай ижодкорлар асосида бир овоз ҳам бор эдики, унинг асарлари ўз вақтида халқнинг дилдан жой олиб бўлган эди. Бу — шоира Раъно Узоқовадир.



Раъно Узоқова 1916 йилда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида туғилган. Ота-онадан ёш етим қолган Раъно темир йўл ишчиси Марям Бадриддинова хонадониде тарбия қўради. У аввал интернатда, сўнгра Термиз педагогика техникумида таҳсил олди. Уқини тугатгач, Жарқўрғон театрида 1936 йилнинг августидан бошлаб Қизилтепа туман театрида актёрлик қилади. Кейинчалик Бухорода «Бўхоро ҳақиқати» газетасида ишлади. 1938 йили Самарқандга келиб 1947 йилгача вилоят газетасида фаолият кўрсатди.

Шоиранинг 22 шеърдан иборат «Мардона юрини», «Шеърлар», «Талпин юрак», «Сайланма» асарлари нашр этилган. Айниқса, шоира шеърлари асосида яратилган бир қанча қўшиқлар халқ ҳофизлари томонидан йиллар давомида қўйилган келинмоқда.

Бугун бу истеъдод эгасининг қарийб унутилаётган адабий меросини ўрганиш йўлида изланишлар бўлаётганини ўйларканмиз, кўз ўнгимдан адиб ҳаёт йўлининг айрим манзаралари ўтади.

У театрга ишлаган кезлари бир талай сахна асарлари ҳам яратган. «Учрашув» ана шулардан биридир. Мазкур асар республикада хизмат кўрсатган артист Асрор Жўраев билан ҳамкорликда ёзилган. Асар персонаж ва образларининг тили, характери ўзига хос. Анзират образида кўпроқ адибанинг ўз

Адибнинг давр руҳи билан сурғорилган бу каби насрий асарлари талайгина. Мўҳими, у ҳаётлигида ана шундай ҳикоялари, айниқса, қўшиқча айланиб кетган шеърлари билан ўз иход йўлини кашф этиб улгурган эди. Афсуски, у қисқа умр кўрди — айни камолот чоғида бешафқат ўлим шоирани орамиздан олиб кетди.

Бир сўз билан айтганда, Раъно Узоқова оташин илҳом, ҳароратли шеърини, насрий асарлари билан адабиётимиз гулшанида тонги шафқат мисол барҳаёт яшайверади.

Тоштемир ТУРДИЕВ, филология фанлари номзоди

ҚАДР ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

ёки Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати ҳаётидан

лайдиган, қадрлайдиган саховатпеша, эзгу ниятли ҳамюртларимиз кўп. Кунора одам, ҳар ким имкони борича ёрдам кўрсатса, кўнглини олсам дейди. Айниқса, байрам муносабати билан келиб-кетувчиларнинг кети узилмапти. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши байрам тадбири ўтказди, дастурхон ёзилди, совға-саломлар улашилди. — **Ҳомийлар кўмаги ҳақида ҳам гапирсангиз?** — Мазкур йил бизнинг камчилик ва муаммоларимизни ҳал этиш йўли бўлди десам янглишмайман. Чунки биноларимиз 1968 йилда қурилган бўлиб, анча эскириб қолган эди. Ҳомийлар ёрдами билан қурилиш-таъмирлаш ишларини бошладик. Бунинг учун саховатпеша кишилар то-

уёга эгаллик қилиш учун кампирим билан мени шу ерга олиб келишди. Ёшим 84 да, аёлим 82 ёшда. Беш йил Иккинчи жаҳон урушида қатнашганман. 45 йил госпиталда шифокор бўлиб ишладим. Фарзандимиз бўлмади. Бу ерга келиб барча жанжаллардан кутилдим. Ҳамма шароит бор экан: 4 маҳал овқат, тозалик, санитария-гигиена қондаларига қаттиқ амал қилинаркан. Баъзан ўйлаб қоламан, яхши ҳам давлатимиз шундай жойларни ташкил қилиб, маблағ билан таъминлаб туради. Бўлмаса бизга ўшаган ёлғиз кексаларнинг холи нима кечар эди...

— 28 майда бу ерга келганимга 1 йил бўлади, — дейди Моҳинур Гарифова. — Ёшим 82 да. Фарзанд кўрмаганим туғайли 30 ёшимда эридан ажраш-

дим. Шу-шу ёлғиз яшайман. 40 йил пойабзал фабрикасида ишладим. Синглим бор, фарзандлари келиб туради. Укам ҳам бор эди оламдан ўтган, унинг ҳоспиталда шифокор бўлиб ишладим. Фарзандимиз бўлмади. Бу ерга келиб барча жанжаллардан кутилдим. Ҳамма шароит бор экан: 4 маҳал овқат, тозалик, санитария-гигиена қондаларига қаттиқ амал қилинаркан. Баъзан ўйлаб қоламан, яхши ҳам давлатимиз шундай жойларни ташкил қилиб, маблағ билан таъминлаб туради. Бўлмаса бизга ўшаган ёлғиз кексаларнинг холи нима кечар эди...

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири **Суратларда:** пансионат ҳаётидан лавҳалар. **Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар**

«ҚУДРАТИМИЗ ДЎСТЛИК ВА ХАМЖИХАТЛИКДА»

Яқинда Тўртқўл туманида туркман миллий маданият маркази ташаббуси билан ана шу шиор остида фестивал ўтказилди

Бугун Қорақалпоғистонда ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қозоқ, рус, украин, корейс каби 50 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир-бирлари билан иноқ ва аҳил бўлиб яшамоқдалар. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳамда

Нукус давлат педагогика институтининг филология факультетларида туркман кафедраси очилган бўлиб, уларда ушбу миллат ўғил-қизлари ўз она тилиларида таълим олишмоқда. Фестивални Тўртқўл тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати

аъзоси А.Ибрагимов кириш сўзи билан очди. Туркман миллий маданият маркази раиси М.Тағанмуратовнинг дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик, бирдамлик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари кўпчиликти қизиқтириб ўйотди. **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қарор ва ижро

Кўпчилигимиз уйдан кўчага чиқсак истаймишимиз, йўқми, жамоат транспортидан фойдаланамиз. Қарабизки, йўловчимиз, қолаверса, истеъмолчимиз.
Тан олишимиз керак, кейинги пайтда жамоат транспорти хизматида баъзи бир камчиликлар учрамоқда. Шаҳар ичи ва шаҳарлараро қатновчи транспорт воситаларида носозликлар туфайли истеъмолчи — йўловчига кафолатли хизмат кўрсатишда ноқулайликлар туғилмоқда.
Президентимиз жорий йил бошида автомобиль транспортида йўловчи ташини хавфсизлиги ва хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришга қаратилган Фармон ҳамда қарорлар қабул қилган эди. Ушбу ҳужжатларга асосан энди йўловчи ташини билан алоҳида жисмоний шахслар эмас, юридик мақомга эга бўлган шахслар шугулланишлари керак. Жорий этилаётган ангилликнинг афзалликлари ҳақида аҳолига тушунтириш мақсадида мутахассисларга мурожаат этдик.

ЙЎЛОВЧИ ХАВФСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Шоолим ШОВАҲОБОВ, «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги» бошлиғи ўринбосари:
— Фармон ва қарорлардан кўзланган мақсад йўловчи ташини соҳасида бошқарув тизимини тақомиллаштириш, мулкчилик шаклидан қатъи назар йўловчи ташувчилар ўртасида ошқора рақобат учун қулай шaroит яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишдир. Яъни бир сўз билан айтганда асосий мақсад йўловчи ва хайдовчилар хавфсизлигини таъминлашдир.
Хозир яратилаётган янги тизимнинг қулайликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, вилоят, туман, шаҳарлардаги ишонч бўлимлари, Агентликнинг вилоят бўлимлари ва бошқа манфаатдор идора ва ташкилот раҳбарлари ҳамда хайдовчилар иштирокида семинарлар ўтказилди. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлиmlарининг манзили,

телефон рақамлари аҳолига етказилди.
Олиб борилган тушунтириш ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Агар жорий йилнинг январь ойида юридик шахслар таркибига кирган 1853 та тадбиркор лицензия варақаси билан таъминланган бўлса, февраль ойида 2608 та, март ойида 4205 та тадбиркор йўловчи ташини ҳуқуқини қўлга киритди.
Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, йилдан-йилга автотранспорт соҳасида фаолият кўрсатётган тадбиркорларнинг сони кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йилнинг биринчи чорагида тадбиркорларга тегишли автотранспорт хизматидан фойдаланган йўловчиларнинг улуши 62,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил 71,2 фоизга етди. Бу эса ушбу соҳада бошқарувни тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.
Эндиликда йўловчи ташини фаолияти билан фақатгина юридик шахс мақомига эга бўлган ҳолда шугулланиш мумкин бўлади. Хўш, бунинг қандай афзаллик томонлари бор? Тадбиркорликнинг

ушбу тури билан шугулланмоқчи бўлган хайдовчилар уюшмаларга аъзо бўлишди. Уларнинг транспорт воситаси ҳар кунги техник кўрикдан, ўзлари эса тиббий кўрикдан ўтказилади. Яъни, йўловчига кафолатли хизмат кўрсатилади. Бу уюшмалар республика йўл фонди тўловларидан озод этилади.
Баҳодир АБДУРАҲМОНОВ, «Тошхавтрансхизмат» уюшмасига қарашли «3-автотранспорт» ҲХШ раиси:
— Йўлда бирон-бир тасодифий кўнгилсизликка учрамастми, айниқса, йўловчи ташувчи транспортлар хизматидан фойдаланаётган фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш айнан техниканинг созилишига ҳамда хайдовчининг салоҳиятига боғлиқ. Бу ҳақда гапирар эканмиз шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир автобус йўлга чиқишдан олдин навбатчи механиклар томонидан синчковлик билан кўздан кечирилган бўлиши лозим. Навбатчи механикларнинг ўз ишларини сифатли бажаришлари қўллаб-қувватлашнинг олдини олади. Чунки ҳаракат

хавфсизлигини таъминлашда айримларнинг назарида майда-чуйда бўлиб қўрилган носозликлар (масалан, баъзи чирокларнинг йўқлиги, баллонларнинг эскирилиши) катта фожиага олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.
Юсупжон ОРИФЖОНОВ, Тошхавтрансхизматнинг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи:
— 1 майдан бошлаб лицензиялар ҳам янги шаклда, муҳофазаланган ҳолда чиқарила бошланди.
Шу ўринда, хайдовчиларимизда ҳозирда фойдаланишда бўлган ва муддати ўтмаган лицензиялар нима бўлади, деган савол туғилиши табиий. Қарорда бу ҳақда алоҳида кўрсатиб ўтилган: яъни, хусусий тадбиркорлар қўлида бўлган, муддати ўтмаган лицензиялар ҳеч қандай тўловларсиз янги шаклдаги лицензияларга алмаштириб берилди. Бу иш шу йилнинг 1 июнига қадар амалга оширилади. Агарда хусусий тадбиркор юридик мақомга эга бўлган йўловчи ташини фаолияти билан шугулланишни истамаса, у ҳолда лицензия олиш учун туланган маблағнинг қолган қисмини унга қайтариб берилди.
Хуллас, айни дамда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатлар талабларини бажариш, уларнинг мазмун-моҳиятини хайдовчиларга тушунтириш борасида ишлар қизғин олиб борилаётган. Бошқача қилиб айтганда, хайдовчининг ҳам, транспорт воситасининг ҳам ҳолатини ҳам доимий назорат қиладиган қўнғий тизим ишлаб чиқилди. Демакки, ўз-ўзидан йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш кафолати ортади.
Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Муносабат

Яшаш ҳуқуқи жамият ёки бошқа бировнинг инъомини ҳисобланмайди. Унга инсон туғилиши билан эгаллик қилади ва бу ҳақдан уни ҳеч ким мосуво қилишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ўз-ўзига ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суяқасд қилиш энг оғир жиноятдир».
Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоялашни ўзининг бош мақсади қилиб белгилади. Бош қисмида инсон ва унинг кадр-қиммати олий қадрият сифатида улуғланди. Суд-ҳуқуқ тизимини инсонпарварликнинг теран ғоялари асосида либераллаштириш бошланди.
Чунки, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон Жиноят кодексига кўра 33 та моддада ўлим жазоси кўзда тутилган бўлса, 1994 йил қабул қилинган янги Жиноят кодексига кўра, улар сони 20 тага қисқартирилиб, 13 та модда санкциясида ўлим жазоси қолдирилди. Босқич-ма-босқич улар сони яна қисқара борди. 1998 йилга келиб ўлим жазоси қўллашнинг кўзга туғувчи моддалар 8 та қолган эди. 2001 йилда улар сони 4 тага камайдди, 2003 йилдан эса яна 2 тага қисқартирилди. Яъни, ҳозирга келиб жиноят кодексига ўлим жазоси таинилгани мумкин бўлган жиноятлар сони жиний жазога тортилмаган жиноятлар умумий сонининг бир фойдасидан камроғини ташкил қилади. Бундан ташқари, ўлим жазоси вояга етмаганларга, хотин-қизларга, 60 ёшдан ошган кишиларга қўлланилмайди.
Хуллас, ўлим жазосининг қисқариб бориши давомийлиги ҳуқуқий-демократик ривожла-

ниш йўлини танлагани Ўзбекистоннинг ўз мақсади йўлидан оғишмай бораётганини кўрсатиб турибди.
Ўтган йили матбуотда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу инсонпарварлик тамойилини байроқ қилиб рия-

1977 йил 8 декабрдаги резолюциясида ўлим жазоси бекор қилишга қаратилган асосий мақсад, бундай жазони бекор қилиш эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳолатларни камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-

хавфли ҳаракатлар содир этишдан тийиш, кейинги ҳаётини фойдаланган томонларга бериш воситаси. Маҳкум жазони ўташ пайтида озодлик ва инсон яшаши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларнинг қадрига етати, керакли хулосалар чиқаради. Ўлим жазоси эса шахсини қайта тарбияламайди, балки бундай имкониятдан маҳрум қилади. Унинг тузалиш йўлига кириб, хатоларни тўғри-лаш каби ҳаракатларига ўлим тўсиқ бўлади.
Фикримча, ўлим жазоси жазо тури сифатида ўзини ҳеч қачон оқлаган эмас. Дунё таърибасида ўлим жазосини қўллашнинг жиноятчиликни камайтиришга умуман боғлиқ эмаслиги аллақачон исботланган. Аксинча, уни таинилганда йўл қўйилган хатолар орқали қўллаб-бегуноҳ инсонлар ҳаётдан эрта супуриб ташланган. Собиқ шўролар тузумидаги қатогон йилларида қанчалар инсонлар шафқатсизлик билан ўлим жазосига маҳкум этилди. Афсуски, маҳбустга ўлим жазоси адолатсиз қўлланилган бўлса, уни ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. У кейинчалик тузатиб бўлмай-диган жазо тури сифатида ҳам хавфли ва адолатсиздир.
Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган ушбу Фирмон суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим босқичи бўлди. Ушбу тарихий ҳужжат мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти ва қадриятини нечоғли улуғ сана-лишини яна бир бор дунёга кўрсатди.
Сидмурод ШЕРНАЗАРОВ, Жиззах вилояти прокурори ўринбосари

ЯШАШ ҲУҚУҚИ

вожланаётган мамлакатимизнинг фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадами бўлди. Фармонга кўра, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси жазо тури сифатида бекор қилинади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан тамоман олиб ташланади.
Айтиш жоизки, дунёнинг жазо туридан мутлақо воз кечиш ёки ижро қилишга мораторий қўллаш амалиёти кузатилмоқда. Бугунги кунда ер юзисидаги 118 мамлакатда ўлим жазосидан бутунлай воз кечилган ёки улар амалда қўлланилмайди. Шу жумладан, 23 давлат ўлим жазосига ҳужм этиш ёки уни ижро қилишга мораторий қўллаган. Назаримда, ҳукуватимиз томонидан халқаро тамойил ҳамда Ассий конвенцияга мос келувчи энг мақбул йўл танланди.
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Босш Ассамблеясининг

моддаси «Инсонпарварлик принципи» деб аталиб, унда «Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадриятини камситиш мақсадини кўзламайдиган жиний жазога таинилган бўлган инсонларнинг ҳаётини олиб ташлашнинг эҳтиёжидан иборат бўлганда, ўлим жазоси қўлланилиши керак»лиги айтилган. Бинобарин, ҳуқуқ тизимида жиноят учун жазонинг оғир ёки енгилиги эмас, унинг муқаррарлиги муҳим ҳисобланади. Қолаверса, ўлим жазоси маҳкум учун ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас. Бу жазо инсонни ахлоққа тузатиб қўймайди. Ўлим жазоси инсон ҳаётига нуқта қўяди, уни биологик маъжудот сифатида ер юзидан йўқ қилади.
Жиний жазо — жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш, уни жамият учун

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

«ЧАШМ ГАВҲАРИ» — КЎЗЛАР МАЛҲАМИ

— Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли. Обру-эътибор, ҳурмат ҳам шундан, — дейди Когон шаҳридаги «Чашм гавҳари» клиникаси раҳбари, тадбиркор Ширин Шодиева. — Клиникага 2004 йили асос солинган. Шундан бери одамлар кўзларига нур, қалбларига зий, дилларига ёруғликни ҳада этмоқдамиз. Шу кунларда Деновга ташриф буюриб, шифоталаблар кўнглини олаётимиз.
...Опа бир дам хаёл огушига чўмди. Балки, ортада қолган йиллар, ўтган умр лаҳзалари уни мोजий етаклагандир.
— Мутахассисимиз муҳандис — технокор, — дедим эътидан у. — «Чевар» хусусий корхонамиз ҳам бор. 16 ёшда шу ерда иш бошлагандим. Мана, орадан 33 йил ўтибди. Умр оқар дарё экан... Собиқ фабрикада 5-навли пахта чиқарилганда момиқ тайёрларди. Тўғриси, ўша даврнинг машаққатли меҳнати бардошимни оширгандир. Иш оғир, устига-устак шароит йўқ. ...90-йилларда эса янада мураккаб вазиятга тушдик. 50-60-йилларда ишлаб чиқарилган ускуналар талабга жавоб бермай қолди. Бундан ташқари хомашё муаммоси... Мустақиллик шарофати билан мулк шакли ўзгарди. Хозир хорижий ишбилармонлар билан қўшма корхона тузиш мақсадида музокаралар олиб борилаётган. Орзуимиз амалга ошса, кўпга янги иш ўринлари яратилади.
— Энди, бевоқифа «Чашм гавҳари» клиникаси ҳақида тўхталсангиз?
— Ростини, унинг фаолият бошлаши ҳам кизик бўлган. 2003 йили Россиянинг Чебоксари шаҳридан 19 минг долларлик кўз касалликларини даволашга мўлжалланган ускуна келтирдик. Аммо, секингина ускуна кўзилмади. Чунки, энди мутахассис муаммоси қўндалан турарди. Кимга учрашмай, бесамар... Ускуналарга бир ичим ачиса, шунча маблағни ўйлаб яна қийналанам. Охири сотадиган бўлдик. Қани харидор топилса...
...2004 йилнинг бошларида Россиянинг Фёдоров номидаги клиникаси билан муштарак қарорга келидик. Шундай қилиб, ўша йилнинг 10 февралдан Когон шаҳрида 36 ўринли «Ўзбекистон — Россия» қўшма корхонаси — «Чашм гавҳари» иш бошлади. Шундан бери 8 нафар россиялик тажрибали тиббиётчи кўз касалликлари билан оғриган беморларга шифо ато этишяпти. Бугунгача 3 минг нафарга яқин

кишига кўз гавҳарлари қўйилди. Айни дамларда Россия шаҳарларида бундай операциялар 350-400 долларга амалга оширилмоқда. Бизда эса 50-220 минг сўм.
Шу пайт хонага 68-70 ёшлардаги отахон кириб келди.
— Бу шифокорлар жуда меҳрибон, — дейди ўзини Даврон Хайдаров, деб таништирган нуруний. — Бир неча йил аввал кўзим хириллашди, сўнгра умуман кўрмай қолдим. Оғир бўларкан. Бевозталиқ, юрак сиқилиши... Илоҳ қанча? Хассага таяндим қолдим. Еруғ оламни кўриш армон бўладими, деб кўрардим. Ўтган йил баҳорда Когонга бордик. «Сиз уч кунда шифо топасиз отахон», деган гапни эшитиб, кўнглим кўтарилди. Ҳақиқий мўъжиза рўй берди. Икки йилга яқин кўрмай қолган кўзим кўзларимга нур ато этишди. Деновга қайтишда бир ойга етадиган дори-дармон ҳам беришди...
Азизбек РАҲИМОВ, иш юритувчи: — Ўтган йиллар давомида уч марта Деновда бўлдик. Бу беморлар учун ҳам қулайдир. Дастлаб беморларни махсус текширувдан ўтказамиз. Агар лозим топилса, «Чашм гавҳари»га тақлиф этилади.
Биз Қашқадарё, Хоразм, Самарқанд ва бошқа вилоятларда ҳам шундай текширувлар ўтказамиз. Шифо топганлар миннатдор. «Мана ишонмасангиз», дея у дафтар тутқазди. Қашқадарёлик Худойназар Менглиев шундай ёзибди: «Хурматли Ширин опа. Фарзанд, ота-она, оила дийдорини кўролмасликдан ортқ азоб бўлмас керак. Тажрибали шифокорларнинг беминнат ёрдами билан қайта дунёга келдим. Эзгу туйғуларини қабул қилгайсизлар...»
— Шундай фараҳбахш тилаклар мени янада руҳлантиради, — дейди тўлқинли Ширин опа. — Ҳар бир кишида мақсад, маслак бўлсин экан. Ҳокисор, саховатпеша, олижаноб инсонлар қўлайсин. Шунда аста-секин ниятингга етасан. Деновга келишимизда бизга «Зилпо» санаторияси раҳбари Ҳабибулло Нормуродов барча қулайликларни яратиб берди. Бу ҳам халқ саломатлигини асрашда катта қўмақ, албатта.
...Маълумки, кўз касалликларининг 100 дан ошқ турли мавзуд. Айни кунларда поликлиникамизда катаракта, глаукома, митопия, конъюнктивит ва бошқа 14 турдаги кўз касалликлари муваффақият билан операция қилинмоқда. Насиб этса, 550 минг дол-

ларлик лазер аппарати сотиб олмақчимиз. Шунда яна ўнлаб хасталиқларга шифо топиларди. Бундан ташқари бугун-эрта поликлиника қошида туғуруқ, томоқ-қулоқ-бурун, дерматология бўлиmlари ҳам иш бошлайди.
— Маълумотларга қараганда, 2000 йилда Денов туман кўз касалликлари шифохонасига 2000 нафарга яқин киши мурожаат қилган экан. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 2500 тадан ҳам ортган. Хўш, кўз касалликларини олдини олиш учун нималарга эътибор бериш лозим?
— Бошқа вилоятларга қараганда Сурхондарёда касалликларнинг бироз кўплиги сир эмас, — суҳбатни давом эттирдиган россиялик жарроҳ Сергей Иванов. — Чунки, экологик муҳит анча мураккаб. «Чашм гавҳари»да 3 йилга яқин меҳнат қилиб, шунга амин бўлдим. Кўзни беҳиз гавҳарга қийслашмаган. Шундай экан, нуқсон сезилдими, зудлик билан мутахассисга мурожаат қилиш лозим. Айниқса, болаларда учрайдиган яқиндан кўриш қобилиятининг сустлиги оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўз томилари, тўр парда, турли жароҳатлар, қон босимининг ошиб кетишидан ҳам доимо оғоҳ бўлиш керак. Болаларда учрайдиган кўз касалликларининг олдини олиш учун профилактик ишларни йўлга қўйиш вақти келди. Бу ҳам миллат саломатлиги йўлида улкан қадам бўлади.
— Шу ўринда пластик жарроҳлик хусусидаги мулоҳазаларингиз?
— Бугун Ўзбекистондаги 20 га яқин шифохона ва поликлиникаларда замонавий усул — кўзларни пластик операция қилиш йўлга қўйилган. Бу оғрикисиз, нафис амалга оширилади. Юқори даражада бу шифо усули кўзлар чаргонлигига ишончли кафолатдир.
Елена Виталиевна Белкина: — Мана бир неча йилдирки серкучёш ўлкада фаолият олиб бораётимиз. Ўзбекистонни иккинчи Ватаним, — десам асло хато қилмаган бўламан. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Шундай экан, халқ соғлигини асрашда ҳам ўзимни масъул, деб биламан. Юрда Ширин Шодиевадек оқила, тадбиркор, саховатпеша аёллар бор бўлсин.
Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири



ХАЛҚ БАНКИ

миқдорларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини тақдим этган ҳолда янги

«ДАРОМАД МАНБАЙ» — омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Омонатга пул маблағлари 6 ОЙ муддатга, йиллик 22 ФОИЗ даромад тўлаш шарти билан камида 100 000 СЎМ миқдоридан Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фойз даромади ҳисобланиб, омонатчининг бичиринги талаби бўйича берилиши таъминланади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА САҚЛАНГАН ВА КЎПАЙТИРИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки тезкор пул ўтказмаларининг янги



«ОСИЁ ЭКСПРЕСС» турини тақлиф этади.

Пул ўтказиш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида амалга оширилади. Пул ўтказилганлиги учун сумма қанчалигидан қатъи назар 2 фойз ҳақ тўланади.

Сиз 10 дақиқа ичида бутун республикамиздаги Миллий банк филиали ёки бўлими орқали пул маблағларини жўнатишингиз ёки қабул қилиб олишингиз мумкин.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 134-14-14 ёки 144-35-56.



Денежные переводы

РОССИЯ

Кредитор мамлакатларнинг Париж клуби Россиянинг 22 миллиард доллар ҳажмидаги қарзини муддатидан олдин узиши ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул қилди. Бу борадаги музокаралар июнь ойида бўлиб ўтади.

Музокаралар давомида муддатдан олдин қарзини узиш ҳақидаги кўптомонлама шартномани имзолаш кўзда тутилган. Бироқ, уни қабул қилиш ҳақидаги қарорни кредит берувчи ҳар бир мамлакат мустақил равишда ҳал қилади.



Австралия, Австрия, Бельгия, Канада, Дания, Финляндия, Франция, Германия, Италия, Япония, Нидерландия, Норвегия, Испания, Швеция, Швейцария, Буюк Британия ва АҚШ Россияга кредит ажратувчи мамлакатлар сирасига қиради. Бу қарзларнинг асосий қисми собиқ СССРдан қолган.

ГРУЗИЯ

Грузия парламенти бир овоздан мамлакатни НАТОга кириши ҳақидаги резолюцияни қабул қилди. Грузиянинг Европа ва Шимолий Атлантика интеграцияси бўйича комиссияси раиси Давид Баркадзе бутун мамлакат НАТОга қўшилиш истагидан эканлигини билдирган.

КИРГИЗИСТОН

NEWSru.com сайтыда берилган хабарга кўра, кеча эрталаб Қирғизистоннинг Тожикистон билан чегарасида бўлган Боткен вилоятида жангарилар гуруҳи чегарачиларга ва бошқона хизматчиларига ҳужум уюштирган.

Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ИТАР-ТАСС ахборот агентлигига берган маълумотига кўра, етти нафар қуролланган жангари Тожикистон томондан бошқона ҳужум қилиб, Қирғизистон ҳудудида яширинишга ҳаракат қилган.

Жангарилар Қирғизистон чегарасига ҳужум уюштиришдан олдин Тожикистоннинг Иффорин туманидаги чегара постига ҳам ҳамла қилганликларини аниқлади. Улар бу ерда ўнлаб «Калашников» русумидаги автомат ва кўп миқдордаги ўқларни қўлга киритишган.



Аниқланишича, жангарилар Қирғизистон чегарасига Mercedes ва Opel русумидаги машиналарда кириб келишган. Қирғизистон ва Ўзбекистон чегарасида жиноятчилар ташлаб кетган Mercedes автоташинаси топилди. Унда 17 та автомат борлиги ҳам аниқланди. Қирғизистон хавфсизлик органлари фикрича, жангарилар тоғларга пиёда чиқиб, яшириниб олишга уринган.

Жангариларни Қирғизистоннинг Айдаркен ва Қадамжой чегара отрядлари таъқиб қилишда давом этапти.

Инсон хотираси — азиз

Бир шеър ёзмакчиман, биттагина шеър, Уша шеърни излаб келдим дунёга.

Қаранг, бу икки сатрда шоирнинг бутун ҳаёти, ижоди, мақсади, эзгу ниятлари, ширин орузлари, ҳабобона ҳис-туйғуларини, яъни таржimai холи мўжасам, десам хато бўлмас. Шу биттагина шеър бағрига жондан ортиқ Ватан ҳам, халқига бўлган садоқати ҳам, яхшиларга савоаттешалик, фарзандларига оталик меҳри ҳам, мушфиқ онаизорга чексиз эъвоз ва ардоқ ҳам, ҳақиқат ва ишонч ҳам сингиб кетган. Шу биттагина шеър дарди шоирнинг 64 йиллик умри давомида ижод этган сайланма китобидаги лирик ва эхтиросли мисралар, газаллар, қасидалар, мустазад ва мухаммаслар, мусаддас ва мураббалар, драма ва достонларни дунёга келтирди. Уларнинг барчасида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуси юксак даражада мадҳ этилди.

Ҳабиб Саъдуланинг «Океандан шабада» номли биринчи китобидан бошлаб «Баҳор билан сўхбат», «Мулоқот», «Яна остонангда», «Эхтиром», «Нур қадри», «Боглар юртин боласимиз», «Тазарру», «Кучмандан жонон ўтганда» каби қатор шеърини тўпламларини қўлига олган муҳлис бўлмас керак. «Туғилган йилим», «Онаизор», «Тирлик қурбонлар», «Эътиқод», «Чуст ривояти», «Жароҳат» достонлари қалбларни тўқинлантirmай қўймаган. «Юсуф ва Зулайҳа», «Меҳр қўёши» сажна асарларини кўрмаган томошабин, юзлаб лирик кўшиқларини эшитмаган, қўйламаган, ҳирғил қўйламан санъат шайдолари топилмас керак.

Айниқса, юртимизга Истиқлол нури сочилганда, 1991 йилдаёқ ёзилган оташин сатрлари шоир юрагининг учқунлари каби тарқалди: **Муқаддас бўлса гар Ватан туйғуси Муқаддас саклайлик аждодлар руҳин. Муқаддас бўлса гар элнинг келгуси Қонларда жўш урсин бирлик шукҳуи. Зотан баднафслардан асрамоқ учун Истиқлол аталмиш доруломонни. Йиғиб гурур, ақл, бирдамлик кучин Энди авайлайлик Ўзбекистонни.**

ҲАБИБЛАРНИНГ ҲАБИБИ ЭДИ...

Шоир бўлмоқ мумкин, лекин олижаноб қалб эгаси бўлмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ҳабиб Саъдулланинг улувзорлик сифатлари унинг атрофига ёру дўстларни, ўзи каби меҳрибон инсонларни яқинлаштирди. Наманганда бирор оила ёки одам йўқки, унинг савоатидан баҳраманд бўлмаган бўлса, Кенгбағрилик тўғайли шоир хонадонини ҳамиша гавжум бўларди. Наманганда дония кетган «Гуллар байрами»да кўп ижодкорлар қатори биз ҳам, яъни ур йўлдошим ёзувчи Сайёр билан борганимизда ҳар гал Ҳабибхон кутлиб олиб, тўғри ўз хонадонларига бошлаб борардилар. Бирор кун ҳам бизни «бегона» қилмас эдилар. Шу ерга келиб, шу ердан кетардик. Ширинзабон оналари Муқаррамхон ая ҳам, рафиқаси Роҳилахон худди қадрдонлардай атрофимизда гирдиқалпалак бўлишиб, мазали таомлар билан меҳмон қилишарди. Фақат биз эмас, бу қутлуг

хонадондан атоқли ёзувчилар, машҳур санъаткорларнинг қадами узилмасди. Якка-ёлғиз ўғил Ҳабибхон оналарини жуда эъозда тутардилар. Волидаларига бағишлаб ёзган қатор шеър ва достонлари фарзандлик бурчини адо этмоқликнинг чин мактаби, сабоғи, намунаси дегим келди.

Ох, Она қўлларинг бўлмаса, Оёққа турулмас ўғлонинг. Ўғлонлар оёққа турмаса Ҳоли вой бўларди дунёнинг...



ҲАБИБ САЪДУЛЛАНИ

Ҳабиб Саъдулла Ўзбекистон халқ шоири, бир неча орденлар соҳиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига етиб келгунча машаққатли ижодий меҳнат ва ҳаёт қояларини мардона кечи ўтди. Аммо ким бўлишдан қатъи назар Ҳабибхон камтарлик ва дилқашликда маҳкам турдилар. Бир воқеа ёдига тушди. Олий Мажлис сессияларининг бирда Ҳабиб Саъдулла кўринмадилар. Билсам, оналари оғир бетеб бўлиб қолган экан. Ҳабибхон хавотирга тушиб ёнларидан нари жимлашдилар. Шунда Муқаррамхон ая: «Ҳа, ўғлим, нега мажлисингизга бормадигиз, дея сўрасалар, Ҳабибхон ҳазилларини қўймай «Абжон, пулим йўқ» дебтилар. Она бу гапга чиндан ҳам ишониб, ёстиқлари тагидан пул олиб узатибдилар: «Болам, бор, қолмагин, дарҳол Тошкентга уч», дебтилар. Ҳабибхон яна сирини бой бермай: «Аба, бу пулнинг етмайди, қўяверинг, янаги мажлис-

га борарман» дебтилар. Хуллас, ҳазил-хўзул қилиб оналари ёнидан жимлашганлар. Кўп ўғил оналари оламдан ўтди. Уша кўнларда Ҳабибхондек инсоннинг кўнлидан нелар ўтганини англаш қийин эмас. 2001 йилда Сайёр ака бандаликни бажо келтирганларидан кейин Ҳабибхон ўзларининг ноҳор селоматликларига қарамай бизнинг оила аҳволидан тез-тез хабар оладиган бўлдилар. Невараларим ҳам у кишини ёқтириб «Сайёр буважонимга ўхшаган амакким келдилар», дея юғуриб пешвоз чиқишарди. Ҳабибхон ҳар кун «Она, аба мени Сизга топшириб кетганлар», дердилар сўнгги пайтларда. Мен оғалик қила олдимми-йўқми, ҳар доим ўзимни саволга тутаман. Ҳабиб Саъдулла билан охири марта шу йил февралда телефон орқали сўзлашувдик. Ушанда беморлик куйайган бўлса керак, овозлари пастроқ, афтода эшитилди. Оналари вафотидан бир йил кейин, яъни 28 февралда ёруғ олам билан хайрлашдилар. «Мехрдан унган чинор» номли асарини кўриб, ҳаёлимга Ҳабиблар ҳеч қачон ўлмадилар деган фикр келди. Биргина шеър излаб дунёга келган» Ҳабиб Саъдулла излаган жаҳоқирини топди. У — абадиятдир. **Гулчехра ЖҲҲАЕВА, шоира**

Коинот сирлари

КОМЕТА ЕРГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

МАЗКУР ҲОДИСАНИ 14 ВА 15 МАЙ КУНЛАРИ САМО КЕНГЛИКЛАРИДА КУЗАТИШ МУМКИН

Табият сир-синоатлари олдидан инсон тафаккури ҳануз ожиз. Айниқса, коинот кенгликларидан юз берувчи ҳар бир ҳодиса биз учун гаройиб тилсим бўлиб туюлади. 14 ва 15 май кунлари сайёраимиз осмонда кузатиладиган ҳолат — комета («думли юлдуз»)нинг Ерга яқинлашуви ҳам ноёб ҳодисалардан саналади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Улугбек номидаги астрономия институтини илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, физика-математика фанлари номзоиди Собит ИЛЁСОВ билан шу ҳақда сўхбатлашдик.

— Собит Пўлатович, аввало кометалар ҳақида қисқача тўхталсангиз? — Осмоннинг мафтункор жисмларидан саналиши кометалар халқ тилида «думли юлдуз» деб аталади. Қадимда кометаларнинг пайдо бўлиши одамлар орасида қучли ваҳима уйғотган. Олимлар эса уларнинг осмон жисмларига алоқаси йўқлигини айтишиб, атмосферага тегишли ҳодиса, деб талқин қилганлар. 1577 йили даниялик таниқли астроном Тихо Браге самодая «думли юлдуз»ни кузатиб, кометалар Ойдан нарида ҳаракатланувчи осмон жисмлари эканлигини исботлади. 1531, 1607 ва 1682 йилларда Кўёш тизими галактикасида пайдо бўлган комета ҳаракатини ўрганган инглиз астрономи Эдмонд Галлей эса ушбу комета орбиталари бир-бирига ўхшашлигига эътибор қаратиб, у Кўёш атрофида айланувчи осмон жисми эканлигини аниқлади ва юқорида қайд этилган йилларда ерликлар томонидан кузатилган комета Кўёш атрофида 76 йиллик давр

неча юз метрдан бир неча ўн километргача етади, у музлаган ва тез эрувчи турли моддалардан ҳамда ҳар хил ҳажмдаги тош ва қаттиқ жинслардан иборат. Шунинг учун комета Кўёшга яқинлашган, ядросидаги газлар буғланиб, унинг атрофида кома ва «дум» ҳосил бўлади. Комета Кўёшга яқинлашгани сари унинг «думи» бир кеча-кундузда қарийб миллион километргача «ўсади». «Думи»нинг йўналиши доим Кўёшга қарама-қарши томонда бўлади. Сабаб: Кўёш нурларининг босими ва «Кўёш шамол» (фаол ҳодисалар тўғайли Кўёшдан сайёраларо бўшлиққа ажралиб чиқувчи зарралар оқими)нинг таъсиридир.

14 — 15 май кунлари Ерга яқин масофадан ўтадиган «Шваасман-Вахман — 3» кометаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, шунинг таъкидламоқчиманки, 1930 йилда немис астрономлари Шваасман ва Вахман бир пайтнинг ўзиде, бир-биридан бехабар ҳолда ушбу фазовий жисмини кашф эттишган. Ушанда комета Ердан 7,6 миллион километр наридан ўтган. Олимлар уни «Кўёш тизимининг кичик жисмлари» каталогига киритиб, унинг траекториясини ва яна қачон қайтиб келишини баҳорат қилишган эди. Лекин комета 50 йил давомида дом-дараксиз йўқолиб кетди. 1973 йили россиялик астрономлар Беляев ва Шаповров комета ҳаракатига Юпитер гравитацияси (тортишиш) майдонининг таъсири борлигини аниқладилар. Шунинг учун ҳам унинг траекторияси ўзгариб, комета йўқолиб кетган экан. Ушанда олимлар комета энди ҳар 5 йилу 4 ойда Кўёшга яқинлашини ҳисоб-китоб қилиб чиқишган. Ҳақиқатан ҳам 1979 йили комета ўз пайтида қайтиб келган. Лекин кетган, яна узоқ вақтгача йўқолган. Ниҳоят 1990 йилда қайтиб келган. 1995 йилги келишида у олимларни хайратда

қолдирди: у уч бўлакка бўлиниб кетган эди. «Шваасман-Вахман — 3» 14 ва 15 май кунлари Ердан 9 миллион километр наридан ўтади. Бу масофа Ердан Ойгача бўлган масофадан 24 марта узоқ бўлиб, кометанинг Ер билан тўқнашиб кетиш ҳафси юзага келмайди. Астрономлар кометанинг Кўёшга яқинлашиш жараёнини телескоплар ёрдамида кузатишни анча аввал бошлаб юборишган. Кузатишлар натижасида шу нарса аниқландики, комета кўлаб бўлақларга бўлиниб кетибди. Ҳозиргача унинг 36 та бўлағи аниқланди. Бу бўлақларнинг барчаси бир орбитада ҳаракатланмоқда. 15 май кунини тонга яқин уни оддий дурбин ёрдамида «Оққуш юлдузи» туркуми яқинида кўриш мумкин. 25 майда эса Ер сайёраси «Шваасман-Вахман — 3»нинг «думи»ни кесиб ўтади. Бу ҳодиса Ер учун ҳавфли эмас. Чунки комета «думи» чанг ва зарралардан иборат бўлгани боис, бу зарралар Ер орбитасига киргач, ёниб кетади. — Демак, улар Ергача етиб келмайди. — Ҳа, ваҳимага ўрин йўқ. **Сўхбатдош: АЛИМКУЛ СУЛТОН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

◆◆◆
Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу сурат «Ҳабб» фазовий телескопи ёрдамида шу йил 18 апрелда олинган.

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 4,7,18,25,28 апрель кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қуйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади:

Тошкент шаҳри ҳудудиде жойлашган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:
Чилонзор тумани:
«Чилонзор-19» мавзе, 2-Қатортол кўчасида, сатҳи 0,012 га. бўлган, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 2,3-сонли ер участкалари, ҳар бири — 4 230 000 сўмдан;
3-мавзедда, сатҳи 0,015 га. бўлган, савдо дўқони қуриш учун ер участкаси — 4 500 000 сўмга;
С.Юсуфов кўчасида, сатҳи 0,018 га. бўлган, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш растаси қуриш учун 4,5-сонли ер участкалари, ҳар бири — 2 950 000 сўмдан ҳамда 6-сонли ер участкаси — 3 400 000 сўмга;
Шайхонтоҳур тумани:
Жарариқ кўчасида, сатҳи 0,01 га. бўлган, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси — 2 230 000 сўмга;
Учтепа тумани:
Х.Турсунқолов кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган, савдо растаси қуриш учун 1,3,4-сонли ер участкалари, ҳар бири — 4 300 000 сўмдан;
Ҳ.Турсунқолов кўчасида, сатҳи 0,05 га. бўлган, супермаркет қуриш учун ер участкаси — 6 760 000 сўмга;
Заргарлик кўчасида, сатҳи 0,02 га. бўлган,

минимаркет ва савдо мажмуаси қуриш учун 2-сон ер участкаси — 3 800 000 сўмга;
Сирғали тумани:
«Сирғали» даҳаси, 1-мавзе, Сирғали кўчасида, сатҳи 0,03 га. бўлган, кафе-ресторан қуриш учун ер участкаси — 4 200 000 сўмга;
«Спутник» даҳаси, 10-мавзе, Смоленск кўчасида, сатҳи 0,08 га. бўлган икки қаватли ошхона ва чойхона қуриш учун ер участкаси — 5 280 000 сўмга сотилди.
Тошкент шаҳри ҳудудиде жойлашган яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкалариде умрбод эгаллик ҳуқуқи:
Шайхонтоҳур тумани:
Кичик халқа йўли ва Юсуф Ҳамдам кўчалари оралиғида, сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси — 510 000 сўмга;
Сирғали тумани:
Лойихадаги Г-30,0 кўчаси ва автомобиль халқа йўли кесилишган ҳудудда, сатҳи 0,04 га. бўлган 1-сон ер участкаси — 620 000 сўмга;
Лойихадаги Г-30,0 кўчаси ва автомобиль халқа йўли кесилишган ҳудудда, сатҳи 0,02 га. бўлган 2-сон ер участкаси — 285 000 сўмга;
«Сирғали-14» мавзесиде, сатҳи 0,04 га. бўлган 1-сон ер участкаси — 1 170 000 сўмга;
«Сирғали-14» мавзесиде, сатҳи 0,04 га. бўлган

2-сон ер участкаси — 1 250 000 сўмга;
«Сирғали-14» мавзесиде, сатҳи 0,04 га. бўлган 5-сон ер участкаси — 1 650 000 сўмга;
«Сирғали-14» мавзесиде, сатҳи 0,04 га. бўлган 6-сон ер участкаси — 1 900 000 сўмга;
«Сирғали-14» мавзесиде, сатҳи 0,04 га. бўлган 7-сон ер участкаси — 1 170 000 сўмга;
Миробод тумани, Истиқбол кўчасида, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси — 1 280 000 сўмга;
Учтепа тумани, Ибрат ва Байроқ кўчалари кесилишган, сатҳи 0,035 га. бўлган ер участкаси — 585 000 сўмга;
Сирғали тумани, Богичинор кўчасида, сатҳи 0,035 га. бўлган 4-сон ер участкаси — 1 150 000 сўмга;
Сирғали тумани, Богичинор кўчасида, сатҳи 0,035 га. бўлган 5-сон ер участкаси — 1 250 000 сўмга сотилди.
Автотранспорт воситалари:
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ — ТОШКЕНТ РОСНАМТИ» филиалининг д/р 10А0825 бўлган «УАЗ-3741» русумли а/в — 1 160 000 сўмга;
«Sivsoz qurilish» уйвба корхонасининг ЭО-4321 «Экскаватор» русумли а/в — 7 950 000 сўмга;
«Chilonzor buyurt bogori» ОАЖнинг д/р 10А0856 бўлган «ГАЗ-3110» русумли а/в — 2 450 000 сўмга сотилди.
Гувоҳнома №000815

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

- Айрилмагин элиндан, Кувват кетар белинган.
- Элининг ғами — эрининг ғами
- Элга қўшилган мой ютар, Элдан айрилган қон ютар.
- Элга қўшилсанг, эр бўласан, Элдан ажралсанг, ер бўласан.
- Элдан айрилгунча, жондан айрил.
- Элиг сенга чўзса қўл, Унга доим содиқ бўл.
- Юрт қўрсанг, ўсарсан, Қўрмасанг, тўзарсан.
- Юртин бойнинг ўзи бой.
- Ердан айрилсанг ҳам, элдан айрилма.

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 18,25 май ва 1,8,15,22,29 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказоди

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 40-уйда жойлашган «Олий деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудиде ўлчамини 3,0 х 4,0 = 12 кв.м. бўлган, аввал ўтказилган аукцион савдоларида сотилган, лекин савдо ғолиби белгиланган муддатларда яқуний баённомани имзоламаган, шартнома тузишдан бош тортган ёки мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаган тегишли турғун савдо дўқонлари қуриш ҳуқуқи ҳамда аукцион савдоларини ўтказиш ҳайъати томонидан савдодан олинган турғун савдо дўқонлари қуриш ҳуқуқи қўйилади.

Турғун савдо дўқони қуриш ҳуқуқини қўлга киритган савдо ғолибларига қуйидаги мажбуриятлар юкланади: — аукцион савдолари ўтказилган кун савдо натижаси тўғрисидаги яқуний баённомани ва савдо кунидан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичиде қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш; — турғун савдо дўқонларини ва ҳожатхонани қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш; — бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш.

Савдоларда юридик ҳамда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Талабгорлар «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотeka-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нарҳидан 5 фоизи микдориде закалат пули тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган вақтдан бир кун илгари соат 18.00 да тўхтагилади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16-«а» уй манзилида жойлашган Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ўтказилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16-«а» уй, 204-хона. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49. Гувоҳнома №000815

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси академик Шавкат Закариевич ҲАЖИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Мулоқот» журнали жамоаси фалсафа фанлари доктори, профессор Қиёмиддин Назаровга волидан муҳтарамаси ТУРСУНОВА янинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Интер-спорт

КЛИЧКО — ИБРАГИМОВ ЖАНГИ КУТИЛЯПТИ

Халқаро бокс федерацияси украиналик ўта оғир вазли жаҳон чемпиони Владимир Кличко навбатдаги жангини россиялик Султон Ибрагимов билан америкалик Жон Руис учрашуви ғолибига қарши ўтказиши мумкинлигини маълум қилди. Ибрагимов билан Руис ўртасида бўладиган жангнинг муддати хозирча номаълум. Қизиги шундаки, Руис WBA йўналиши бўйича собиқ жаҳон чемпиони бўла туриб, Ибрагимов билан рингга чиқишга рози бўлармикин? У ўзининг сўнгги жангини россиялик Николай Валув билан ўтказди, маълумиятга учраган эди. Албатта, Руис ўшанда реванш учрашувини талаб қилди, лекин унга розилик берилмади. Султон эса бугунги кунда ўта оғир вазли боксчилар орасида муқимлар эктириб қолган чарм қўлроқ усталаридан саналади. У охири марта ўтган йилнинг декабрь ойида рингга кўтарилиб, америкалик Лэнс Уитакерни нокаутга уратган. Россиялик боксчи 19 жанг ўтказиб, барчасида ғалаба (16 нокаут)га эришган. Владимир Кличко сўнгги жангини 22 апрель кунки Крис Бердага қарши ўтказиб, техник нокаут бўйича зафар қўчгани муҳлисларга аён.

BOSH MUHARRIR:	Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:	Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana») Norbob SHAKAROV Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPIBERGENOV Muslihidin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASIDIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLARI:	Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Ekologiya va salomatlik 133-44-55 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-22-32 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onoda — 26-43-62 Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:	700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi:	Xurshid RAUPOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning computer markazida teriladi va sahifalandi.	Sahifalovchi-dasturchi: Ikhromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.	Korxonamanzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.	Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.	Gazeta eshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	Г — 750 11058 nusxada bosildi 1 — Tuzilgan namunalari
O'zA yakuni — 21.45	Topshirish vaqti — 22.00
1 2 3 4 5 6	Sotuvda erkin narxda